

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **137** Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари малакасини ва касб маҳоратини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сон қарорига мувофиқ ва чет тиллар ўқитувчилари малакасини оширишнинг принципиал жиҳатдан янги самарали механизмини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йилдан бошлаб умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш бўйича доимий ишлайдиган ҳар ҳафталик курсларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ лавозим маошига ойлик устама олиш ҳуқуқини берувчи тест синовидан календарь йил мобайнида қаторасига икки марта ўтмаган умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари бўлажак ўқув йилидан бошлаб ўз маблағлари ҳисобидан малака ошириш курсларидан ўтмагунларига қадар чет тили бўйича ўқитувчилик фаолиятига қўйилмайдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

бир ҳафта муддатда ҳар ҳафталик курсларни юқори савияда ўтказиш имконини берадиган моддий-техника базаси мавжуд бўлган базавий умумтаълим муассасаларини, шунингдек тренерлар сифатида фаолият кўрсатадиган етакчи чет тили ўқитувчиларини аниқласин, уларни халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларининг ўқитувчилари сифатида соатбайлик асосида ишга расмийлаштирсин;

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази билан биргаликда машғулотларнинг ўқув режаси ва ўқув дастурларини, дарс ўтадиган тренерлар томонидан ўқитувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда улар орасида машғулотлар ўтказиш, шунингдек ки-

чик ёшдаги болалар билан ишлаш бўйича ўқитувчилар учун психологик тренинглар ўтказиш, лавозим маошига ойлик устама учун тест синовиغا тайёргарлик кўриш бўйича методик материалларни тайёрласин;

«Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда республика ва вилоят босқичларида ғолиб чиққан ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга ихтисослик бўйича икки ҳафталик стажировкаларга юборишни назарда тутсин;

малака ва касб маҳоратини ошириш курслари тингловчиларини, шу жумладан кейинчалик чет тили дарсларида фойдаланиш учун янги методик қўлланмалар ва бошқа тарқатма материаллар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институтида ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассисларини ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда чет тиллар ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш бўйича ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш учун тренерлар тайёрлаш бўйича ҳар йиллик тренинглар;

икки ой муддатда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти, 14 та ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг чет тили ўқитувчилари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг чет тиллар методистлари учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида ҳар йилги тренерлар тайёрлаш бўйича мақсадли курсларни ва чет тиллар ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ҳамда «Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси» республика кўрик-танловини ўтказиш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2015/2016 ўқув йилидан бошлаб тасдиқланган ўқув юкламаси доирасида ихтисослашган олий таълим муассасаларининг битирувчи 4-курс талабалари учун «Бошланғич синфларда чет тилини ўқитиш методикаси» 36 соатлик курс дастурини киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекис-

тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 25 март,  
67-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 25 мартдаги 67-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари  
касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг 144 соатлик анъанавий малака ошириш курсларига қўшимча сифатида ташкил этиладиган умумтаълим муассасалари чет тиллар ўқитувчиларининг касбий ва педагогик маҳоратини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимининг умумтаълим муассасалари чет тиллар ўқитувчилари касбий маҳоратини оширишнинг доимий ишлайдиган ҳар ҳафталик курсларини (кейинги ўринларда ҳар ҳафталик курслар деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ҳар ҳафталик курсларнинг мақсади чет тиллар ўқитувчиларининг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш, болаларни бошланғич синфларда ўқитишга устунлик берган ҳолда мактабда чет тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, методик қўлланмалардан фойдаланишда ўқитувчиларга ёрдам бериш, ўқитувчиларни лавозим маошига ойлик устама-ни олиш учун тест синовларидан ўтишга тайёрлаш, шунингдек уларни доимий равишда мустақил тарзда касбга доир билим олишга йўналтиришдан иборат.

3. Ҳафталик курслар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари (кейинги ўринларда ҳудудий институтлар деб аталади) томонидан ташкил этилади.

Ҳар ҳафталик курсларни ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

4. Ҳар ҳафталик курслар тингловчилари сирасига умумтаълим муассасаларининг чет тили ўқитувчилари бутун контингенти киради. Ўқитувчи-

ларни курсларга қабул қилиш ва академик гуруҳларни шакллантириш бир йилда 2 марта (март, сентябрь) ўтказилади. Ҳар ҳафталик курсларда ўқиш асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

5. Доимий ишлайдиган ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув режаси ва ўқув дастурлари умумтаълим муассасалари чет тиллар ўқитувчиларининг малакаси даражаси ва касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

## **II. Тренерларни тайёрлаш ва ҳар ҳафталик курсларни ўқув-методик таъминлаш**

6. Ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув машғулотларини олиб бориш учун асосан тегишли олий маълумотли (шунингдек, бакалавр даражасига эга бўлган), махсус тайёргарликдан ўтган етакчи, асосан чет тили чуқурлаштирилиб ўқитиладиган умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари тренерлар сифатида жалб этилади.

Тренерлар меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш асосида ҳудудий институтларнинг ўқитувчилари сифатида ишга қабул қилинади.

7. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда Илмий-амалий марказ деб аталади) А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (кейинги ўринларда Марказий институт деб аталади) билан биргаликда ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда бир йилда 2 марта базавий умумтаълим муассасаларида ҳар ҳафталик курсларни олиб боровчи тренерлар тайёрлаш учун Марказий институт базасида тренинглар (кейинги ўринларда тренинглар деб аталади) ўтказилади. Тренинглар белгиланган тартибда Марказий институтнинг малака ошириш бўйича йиллик режасига киритилади.

Тренингларнинг сони, ўтказиш муддати ва уларнинг қанча давом этиши Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

8. Марказий институтга ўқиш учун келган тренерларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар уларнинг асосий иш жойларида белгиланган тартибда тўланади.

9. Ўқув-методик материаллар (дарсларга оид методик кўрсатмалар, мустақил машғулотлар учун топшириқлар, тингловчиларнинг тайёргарлик савиясини баҳолаш учун тестлар ва бошқа материаллар, машғулотлар ўтказиш учун аудио-видеоресурслар) Илмий-амалий марказ томонидан Марказий институт билан биргаликда бошқа олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади.

10. Ҳар ҳафталик курсларнинг тингловчиларини ва тренерларни янги методик қўлланмалар (ишлаб чиқиш ва нусхасини кўпайтириш) ва бошқа

таркатма материаллар (шу жумладан кейинчалик улардан мактабларда дарс ўтишда фойдаланиш учун) билан таъминлаш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун маблағлар Марказий институтнинг харажатлар смета-сида назарда тутилади.

### **III. Ҳар ҳафталик курсларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш шакллари**

11. Ҳар ҳафталик курслар машғулоти, қоидага кўра, ўқитувчиларнинг мустақил ўқиши ва касб маҳоратини оширишга мўлжалланган методик кунларда ойига 18 соатлик юклама билан бир ҳафтада 6 соатдан ўтказилади.

12. Ҳар ҳафталик курслар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан танлаб олинган ва республиканинг барча туманларида (шаҳарларида) махсус жиҳозланган базавий умумтаълим муассасаларида ташкил этилади.

13. Ҳар бир базавий умумтаълим муассасасига машғулотларда қатнашиш учун ҳудудий тенгликни таъминлаш ва ўқув аудиториясининг техник жиҳозланганлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда ҳар ҳафталик курслар билан қамраб олиниши керак бўлган туман (шаҳар)даги ўқитувчиларнинг умумий сонидан келиб чиқиб кўпи билан 15 нафар тингловчи бириктирилади.

14. Ҳар ҳафталик курслардаги машғулотлар инновацион педагогик, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда ўтказилади.

15. Ҳар ҳафталик курслар белгиланган тартибда ҳудудий институтларнинг малака ошириш курсларини ўтказиш бўйича йиллик режасига киритилади.

16. Тингловчиларни ҳар ҳафталик курсларга қабул қилиш ва тингловчилар таркибига киритиш туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан тақдим этилган рўйхатларга асосан тегишли ҳудудий институт ректорининг буйруғи билан амалга оширилади.

17. Машғулотларнинг сифатли ўтказилишини назорат қилиш халқ таълими бошқаруви ҳудудий органлари томонидан тегишли ҳудудий институтлар билан биргаликда амалга оширилади, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари эса ҳар ҳафталик курсларда тингловчилар давоматини таъминлайди.

18. Ўтказилган машғулотлар ва тингловчиларнинг давомати тренерлар томонидан қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатларда (журналларда) рўйхатга олинади, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳудудий институтлар билан биргаликда уни назорат қилиб боради.

19. Сабабсиз 18 соат дарс қолдирган тингловчи курсдан чиқариб юбо-

рилади. Бундай ҳолатда ҳудудий институт томонидан тингловчининг асосий иш жойига қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли чора-тадбирларни кўриш учун хат жўнатилади.

#### **IV. Назорат шакллари ва тингловчиларнинг билимлари сифатини баҳолаш механизми**

20. Ҳар ҳафталик курслар доирасидаги ўқув жараёни ўқув-методик ва тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ ташкил этилади.

21. Тингловчининг жорий ва оралиқ ўзлаштириши, шунингдек уларнинг билимлари тренерлар томонидан доимий ишлайдиган ҳар ҳафталик курс дастурларига мувофиқ баҳоланади.

22. Ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган машғулотлар тамом бўлгандан кейин тингловчиларнинг билими ва тил салоҳиятининг якуний аттестацияси ўтказилади (июнь, декабрь).

23. Якуний аттестация махсус комиссия томонидан ўтказилади. Унинг таркибига тренер, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари методисти, юқори малакали ўқитувчилар киради. Ҳудудий институт ректори комиссия раиси ҳисобланади.

24. Курслар тингловчиларининг якуний аттестацияси тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзиш ва дарс ўтиш методикаси бўйича кўникмаларни баҳолашни ўз ичига олади.

25. Ҳар бир йўналиш бўйича ўзлаштириш 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

26. Кўникмаларнинг ҳар бири бўйича 75 балл ва ундан ортиқ балл тўплаган тингловчилар ҳар ҳафталик курсларни муваффақиятли тамомлаган деб ҳисобланадилар ва ҳар ҳафталик курсларда ўқишни давом эттиришдан озод қилинадилар. Ушбу ҳолатда улар ҳар ҳафталик курсларнинг машғулотларига ўз хоҳишларига кўра қатнашишни давом эттиришлари мумкин. Шунингдек ушбу ўқитувчилар ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув машғулотларини ўтказиш учун тренерлар ва якуний аттестацияни ўтказиш бўйича махсус комиссия аъзолари сифатида жалб этилишлари мумкин.

27. Якуний аттестация натижалари бўйича махсус комиссиялар томонидан ҳар ҳафталик курслар тингловчилари тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилади. Унда зарур маълумотлар (тингловчининг Ф.И.О., иш жойи, мутахассислиги, қачон ва қайси олий таълим муассасасини тамомлаган, якуний аттестация натижалари бўйича тўпланган баллар, ҳар ҳафталик курсларни тамомлаганлиги ҳақидаги сертификат рақами (агар берилган бўлса)) бўлади. Маълумотлар банки якуний аттестация тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай ҳудудий институтлар томонидан Марказий институтга етказилади. Ҳудудий институт ректори тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва холислиги учун шахсан жавоб беради.

Марказий институт курслар тингловчиларининг ўзлаштириши мониторингини олиб боради, шунингдек ҳудудий институтлар томонидан ҳафталик курслар ташкил этилиши сифатини аниқлайди.

28. Ҳар ҳафталик курсларни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга намунаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган сертификат берилади.

29. Ҳар ҳафталик курслар тингловчиларининг янги гуруҳлари тингловчиларнинг билимлари ва лисоний салоҳиятининг якуний аттестацияси натижалари ҳисобга олинган ҳолда заруратга кўра шакллантирилади.

30. Олиб борилган мониторинг натижалари бўйича машғулотларни ўтказиш шакллари ва ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув дастурлари мазмуни Илмий-амалий марказ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан такомиллаштирилади.

31. Халқ таълими бошқаруви ҳудудий органлари ҳар ҳафталик курсларни ўтказишнинг бутун жараёнини ташкил этадилар ва мувофиқлаштирадилар, якуний аттестация натижаларини таҳлил қиладилар, курсларни ўтказиш шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрадилар, ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш якунлари тўғрисида ҳисобот тайёрлайдилар ва уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этадилар (июнь, январь).

#### **V. Яқунловчи қоидалар**

32. Амалдаги тартибга мувофиқ чет тиллар ўқитувчилари ҳар ҳафталик курслар тугашидан қатъи назар, лавозим маошига ойлик устама олиш учун тест синовларидан ўтишга Давлат тест марказига ариза беришлари мумкин.

Бунда Давлат тест марказида лавозим маошига ойлик устама олиш ҳуқуқини берувчи тест синовидан календарь йил мобайнида қаторасига икки марта ўтмаган умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари бўлажак ўқув йилидан бошлаб ўз маблағлари ҳисобидан малака ошириш курсларидан ўтмагунларига қадар чет тили бўйича ўқитувчилик фаолиятига қўйилмайдилар.

Умумтаълим муассасаларининг чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### Чет тиллар ўқитувчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳар ҳафталик курсларини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Субъектлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	<p>1. Ўқув-методик материаллар ҳажмини аниқлаш ва ишлаб чиқиш (дарслар бўйича методик тавсиялар, мустақил машғулотлар учун топшириқлар, тингловчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқловчи тест материаллари ва бошқа материаллар, машғулотларни ўтказиш учун аудио-видеоресурслар).</p> <p>2. Тренинглار ўтказиш учун етакчи олий таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш.</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитиш бўйича инновациявий методикаларни ривожлантириш республика илмий-амалий маркази, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти.</p>	<p>Ҳар йили, 1 февралгача</p> <p>Ҳар йили, 1 августгача</p>
2-босқич	<p>1. Ҳар бир туман (шаҳар)дан тажрибали ва малакали чет тили ўқитувчиларини тренер сифатида тайёрлаш учун танлаш.</p> <p>2. Танланган ўқитувчиларни ҳар ҳафталик курсларнинг тренерлари сифатида тайёрлаш учун тренинглар ўтказиш, ўқув-методик материаллар билан таъминлаш.</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитиш бўйича инновациявий методикаларни ривожлантириш республика илмий-амалий маркази, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти.</p>	<p>Ҳар йили, февраль</p> <p>Ҳар йили, август</p>
3-босқич	<p>1. Чет тиллар ўқитувчилари касб маҳоратини оширишнинг ҳар ҳафталик курслари тингловчилари гуруҳларини шакллантириш.</p> <p>2. Базавий мактабларда бир ҳафтада бир марта (методик кунлар) ойлик юклама 18 соат бўлган 6 соатлик ҳафталик курслар ўтказиш.</p>	<p>Халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, туман (шаҳар) халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил қилиш бўлимлари.</p>	<p>Ҳар йили, март — июнь</p> <p>Ҳар йили, сентябрь — декабрь</p>
4-босқич	<p>Ҳар ҳафталик курслар тингловчиларини якуний аттестациядан ўтказиш (ўқув режаси ва дастурида назарда тутилган ўқув машғулотлари тугаллангандан кейин).</p>	<p>Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари, туман (шаҳар) халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил қилиш бўлимлари.</p>	<p>Ҳар йили, июнь</p> <p>Ҳар йили, декабрь</p>

Босқич-лар	Тадбирлар	Субъектлар	Бажариш муддатлари
5-босқич	<p>Ҳар ҳафталик курслар тингловчиларининг маълумотлар банкини шакллантириш.</p>	<p>Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, туман (шаҳар) халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил қилиш бўлимлари.</p>	<p>Яқуний аттестациядан сўнг 10 кундан кечикмай</p>
6-босқич	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тингловчиларнинг ўзлаштириши ва ҳар ҳафталик курслар ташкил этилиши сифати мониторинги.</li> <li>2. Ҳар ҳафталик курсларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш.</li> </ol>	<p>Халқ таълими вазирлиги, ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитиш бўйича инновациявий методикаларни ривожлантириш республика илмий-амалий маркази, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти.</p>	<p>Ҳар йили, июль Ҳар йили, январь</p>